



Шамсул аимма Кардарий ҳаёти ва илмий фаолияти

Абдувалиев Улуғбек

Аннотатсия

Ушбу мақолада Шамсу-л-аимма Абулвахда Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий ал-Баратқиний ҳаёти ва илмий фаолияти, устоз ва шогирдлари ҳақида сўз юритилади.

Kalit soʻzlar:

Шамсул аимма, Абулвахда Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий ал-Баратқиний, Ҳанафий мазҳаби фикҳи, калом илми, Таъсисул-қавоъид, Рисалату фи-родди ʔала манхулу ал-Ғаззолий.

Аннотация. В данной статье шамсул аимма Абулвахда Муҳаммад бин Абдусаттар бин Муҳаммад аль-Имади аль-Баратқини, рассказывает о жизни и научной деятельности и его учителя и учеников.

Ключевые слова. Шамс ал-аимма, Абулвахда Муҳаммад ибн Абдусаттар ибн Муҳаммад аль-Имади аль-Кардарий аль-Баратқини, фикх ханафитского мазҳаба, наука калама, «Та ʔис аль-кава ʔид», «Рисала фи-радд ʔаля аль-Манхуль аль-Ғазали».

Abstrakt. This article discusses the life and scholarly activity of Shams al-Aʔimma Abulwahda Muhammad ibn Abdusattar ibn Muhammad al-Imadi al-Kardari al-Baratqini, as well as his teachers and students.

Keywords. Shams al-Aʔimma, Abulwahda Muhammad ibn Abdusattar ibn Muhammad al-Imadi al-Kardari al-Baratqini, Hanafi madhhab fiqh, kalam, “Ta ʔis al-Qawa ʔid,” “Risala fi radd ʔala al-Mankhul al-Ghazali.”

Шонли тарихимиздан маълумки, Мовароуннаҳрдан нафақат ислом цивилизацияси, балки жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган кўплаб буюк шахслар етишиб чиққан ва самарали ижод қилган. Кейинги йилларда юртимизда муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломалар ҳаёти ва фаолияти, уларнинг маънавий меросини ўрганишга қаратилган алоҳида эътибор туфайли кўплаб аждодларимизнинг бой илмий мерослари ўрганилмоқда. Ана шундай алломалардан бири буюк мутафаккир

Шамсул аимма Абулвахда Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий ал-Баратқиний 559 ҳижрий йил (1163 м.й.)да Кардарнинг **Баратқин** туманида туғилган. Кардар Хоразм шаҳарларидан бири бўлган. Ёшлик давридан илмга қизиқиб Замахшарийнинг шогирди “Муғриб” ва “Шарҳул-Мақомот” китобларининг муаллифи шайх Бурҳонуддин Носир ибн Абул-Макорим ал-Матризийдан араб тили ва адабиёти бўйича дарс олган. У ҳар доим илм талабида бўлиб, бу ишда жуда тиришқоқ бўлган. У олимлар суҳбатини ёқтириб мажлисларига қизиққан ва жуда кўп илм аҳли ва фақиҳлар хизматида бўлган. Тарихчилар унинг устозлари сонини чексиз дейишади. У тафсир, ҳадис, хусусан, Ҳанафий мазҳаби фикҳи бўйича буюк олим бўлган¹.

Ёшлигида Самарқандга бориб “Ҳидоя” китобининг муаллифи Бурҳониддин Марғилоний ва “Ширъатул-ислом” китобининг муаллифи шайх Имомзода Маждуддин ал-Маҳҳод ас-Самарқандий, Али ибн Абу Бакр, Варшакий, Аттобий каби замонасининг етук фақиҳларидан дарс олган ва улардан ҳадис ва фикҳ илмларини ўрганган².

Кардарий кейин Бухорога келиб бир қатор машҳур олимлар, жумладан, шайх Имоуддин Умар аз-Заранжарий, шайх Нуруддин Аҳмад ас-Собуний ал-Бухорий, шайх Фаҳруддин Қозихон, шайх Қутбиддин Сарахсий, шайх Аҳмад ибн ал-Ҳасан ал-Фарёбий ва бошқа шайхлардан тафсир ва ҳадис илмларини ўзлаштирган³.

Ундан жуда кўп кишилар дарс олганлар. Манбаларда у ёзиб қолдирган китоблардан қуйидаги икки китоб кўрсатилади:

1. **“Таъсисул-қавоъид”**. Бу китоб калом илмига тегишли бўлиб, Ҳожи Халифанинг айтишича Пайғамбарларнинг маъсум яъни гуноҳсиз эканлиги тўғрисидаги китобдир.

2. **“Рисалату фи-родди ьала манхулу ал-Ғаззолий”** Лакнавийнинг айтишича, у яна Ғаззолийга раддия ёзган экан. Маълум бўлишича Ғаззолий “ал-Манхул” номли китобида мазҳаб мужтаҳидлари тўғрисида гапириб Абу Ҳанифа ҳақида нотўғри сўзлар айтган. Шамсул-аимма Кардарий Ғаззолийнинг ушбу сўзларига раддия сифатида ушбу китобни ёзган экан⁴.

Аширбек Муминов орқали Германия қўлёзмалар кутубхонаси биридан бу китобнинг бир нусхасининг микрофилми олиб келинган эди. Ундан шу нарса маълум бўладики, китоб Лакнавий тавсифлаганидек Ғаззолийнинг “ал-Манхул” китобида ёзган сўзларига раддия бўлиб, у муқаддима ва олти бобдан ташкил топган. Лекин шуниси қизиқки, муаллиф бу китобни Ҳалаб шаҳрига келганидан кейин ёзганлигини айтади. Шу ва яна бошқа шунга ўхшаш далилларни ҳисобга олганда биз бу китобни Шамсулаимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор ал-Кардарий эмас балки Тожуддин Абдулғафур ибн Лукмон ал-Кардарий ёзган бўлиши мумкин деган тахминдамиз. Чунки, юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек Тожуддин ал-Кардарийнинг ҳам “шамсулаимма” деган лақаби бўлган. Қолаверса

¹ <https://al-maktaba.com> интернет сайти.

² <https://tarajm.com> интернет сайти.

³ Абдулҳай Лакнавий, Ал-Фавоид, 217 бет.

⁴ <https://tarajm.com> интернет сайти.

Муҳаммад ал-Кардарийнинг Ҳалабга бориб у ерда яшаганлиги тўғрисида маълумот йўқ.

Шамсул-аимма Муҳаммад Кардарийнинг асарлари кам бўлишига қарамасдан у нодир китобларнинг бизгача етиб келишига ёрдам берган. Масалан, Абу Мансур Мотуридийнинг **“Таъвилот аҳлис сунна”** китобининг Тошкент нусхаси ва Бурҳонуддин Марғинонийнинг **“Ҳидоя”** асарларининг бизгача етиб келишида катта хизмат кўрсатган.

Кардарий 642 ҳижрий йил 9 муҳаррам (1244 йил 18 июнь) жума куни Бухорода вафот этган ва шаҳардан ярим фарсах узоқликдаги Сабзамун қабристонида Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ас-Сабзамуний қабрининг ёнига дафн этилган⁵.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Абдулҳай Лакнавий, Ал-Фавоид, Лубнон 1998.
2. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний “Ҳанафий мазҳаби ва ўрта осийё фақиҳлари” тошкент ислом университети нашриёти -2002й.
3. <https://al-maktaba.com> интернет сайти.
4. <https://tarajm.com> интернет сайти.

⁵ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний “Ҳанафий мазҳаби ва ўрта осийё фақиҳлари” тошкент ислом университети нашриёти -2002й. 237 Б.